

Ҳаммамиз вафот этамиз



11:00 / 17.11.2020 3685

Ўлимнинг аҳамияти ҳаётниқидан кам эмас. Олимлар ушбу ҳақиқатни таъкидлаб, «Ўлим ҳаётнинг давом этиши учун зарурий нарсадир» дейдилар.

АҚШнинг Принстон университети профессорларидан бири «Абадий яшашга бўлган ҳар қандай уриниш табиатга тескари юришдир. Чунки ўлим тамоман борлиқ низомига ҳамоҳангдир. Бу ҳар бир нарсанинг бошланиши ва тугаши бордир деган низомдир. Биз ўз генларимизни келгуси авлодга мерос қилиб қолдирамиз. Агар биз ўлмасак, гўдакларимиз билан ҳаёт учун курашиб юрамиз. Бу эса яхши иш эмас» деган.

Олимлар бу борадаги тадқиқотлардан сўнг «Бу дунёда абадий қолиш амалий жиҳатдан амримаҳолдир» деган хулосани эълон қилишган. Баъзи олимлар умрни узайтириш борасидаги тадқиқотларни давом эттириб,

бундай муваффақиятсиз уринишларга миллиардларни сарфлаган бўлсалар-да, буларнинг бари самарасиз яқунланган. Шундай қилиб, илмий ҳақиқат - ўлимни тўхтатиб қолиш ва уни бошқариш мумкин эмас! Истисносиз барча инсонлар ўладилар. Танамиздаги ҳужайраларда шундай дастур борки, бу дастур ҳужайранинг умрини, бўлинишини ва ўлишини идора қилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

تُرْجَعُونَ إِلَىٰ نَافِثَاتِ الْوَعْدِ ذَاتِ أَيْدٍ نَّظِيرٍ كُلِّ

«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Сўнгра Бизгагина қайтарилурсиз»
(Анкабут сураси, 57-оят)

Роббимиз бошқа бир оятда бундай марҳамат қилган:

وَالْإِكْرَارِ الْجَلَلِ ذُو رَيْكٍ وَجْهٌ وَيَسْعَى ﴿١٦﴾ فَإِنَّ عَلَيْهَا مِنْ كُلِّ

«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг Ўзигина боқийдир» (Ар-Роҳман сураси, 26-27-оятлар)

Барҳаёт, ўлмайдиган Зот покдир!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади